

УЛУФ САЛТАНАТНИНГ АДОЛАТ УСТУНИ



Амир Темур таваллудининг
681 йиллигига

Амир Темур (1336-1405)

Амир Темур ибн амир Тарағай
1336 йил 9 апрелда Кеш
(Шахрисабз) вилоятининг Хўжа
Илғор қишлоғида дунёга келган.
Унинг отаси амир Мухаммад
Тарағай барлос улусига мансуб
беклардан, баҳодир жангчи,
уламою фузалога ихлосманд, илм
аҳлига ҳомий ва иштиёқманд
киши бўлган.



*Агар бизning куч-қудратимизга
шубҳа қилсангиз, биз қурдирган
иморатларга боқинг.*



АМИР ТЕМУР СУЛОЛАСИ

Амир Темурнинг ўғиллари Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ ва Шоҳруҳ Мирзолардир.

Тўртта ўғилдан иккитаси Темурнинг ҳаётлигида қазо қилган.



Амир Темур вафот қилган вақтда ундан икки ўғил, 19 набира ва 15 чевара, жами 36 шаҳзода ҳаёт эди. Булардан ташқари соҳибқироннинг кичик қизи - Султон Баҳт бегим ва катта қизи - Оғо бегимдан туғилган ўғил - Султон Ҳусайн Мирзо исмли набираси ҳам бор эди.




УЛУФ САЛТАНАТ МАЛИКАЛАРИ



ҚУТЛУҚ ТУРКОН ОҚА

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мұхаммад Алининг "Улуф салтанат романида" Ҳам сурати, ҳам сийрати гўзал, Соҳибқирон ҳаётига шерик, Оллоҳ кўрган бахтни ҳам, баҳтсизликни ҳам бирга кечиришган, нозик елкаларига буюкликнинг юкларини орта билган, нозик қалбларига буюк ишқни, жасоратни жойлай олган маликалар ҳақида ҳам маълумот берилган.



Темурбекнинг энг суюкли ўғли(тахт вориси Жаҳонгир Мирзо)нинг рафиқаси, энг суюкли набираси(валиаҳд Мұхаммад Султон)нинг волидаси, бўйинсунмас Хоразмшоҳнинг укаси Оқ Сўфининг қизи Хонзода хоним! Унинг асл исми Севин бика, Султон Мұхаммад ўзбекхоннинг набираси.



ХОНЗОДА ХОНИМ (СЕВИН БИКА)

"Улуф Салтанат"га Бибихонимдан ҳам аввал кириб келган бир аёл бор: Амир Темурнинг эгачиси Кутлуқ Туркон оқа.

Уни Ўзбекистон халқ ёзувиси Мұхаммал Али ўзининг асарида ўзгача меҳр билан тасвирлайди: "Муштипар опаси! Мунису меҳрибон, мушфиқ опаси! Иниси учун ҳатто ўз жонини гаровга қўйишга тайёр опаси! Аввалари унча билинмас экан, Амир Тарагай билан Тегина Хотунлар у дунёга риҳлат этишгач, опа ука бир бирларига қаттиқ суюниб қолдилар. Темурбек эгачисини бир чандон ҳурмат этса, Кутлуқ Туркон оқа бу ҳурматни икки чандонга етказиб инисига қайтарарди.



САРОЙМУЛКХОНИМ

Неча асрлардан буён олам аҳлиниң тилидан тушмай келаётган, гўзаллиги ва донолиги билан машхур маликамизни муаллиф қандай тасвирлайди? Бошидан бошлаймиз: "Сароймулкхонимнинг бир айби бор – бу маликанинг ёшлиги, дуркунлиги, сулувлиги, ёқимтойлиги".







ЛАЛЬЧЕЧАК БИКА (СОГИНЧ БИКА)

Хонзода хонимнинг келини, Амир Темурнинг набира келини, раҳматли валиаҳд Жаҳонгир Мирзонинг ўғли валиаҳд шаҳзода Мұхаммад Султоннинг севиклиси Соғинч бика ҳақидаги ишқ достони юракларни зирқиратади, ҳайратга солади, куюнтиради, суюнтиради!..

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

Қай бир жойдан бир ғиши олсам,
үрнига ўн ғиши қўйдирдим, бир
дараҳт кестирсам, үрнига ўнта
кўчат эктиридим.



Ишончим комилки, ёшларимиз бу китобни меҳр қўйиб, тушуниб, чукур
англааб ӯқиса, уларнинг қалбида миллий ғуур туйғуси юксалади, ӯзининг
қандай буюк зотларнинг авлоди эканини янада чуқурроқ хис этиб, ҳаётнинг
хар қандай синов ва қийинчиликларини енгишга қодир инсонлар бўлиб вояга
егади.

ИСЛОМ КАРИМОВ,


Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти

АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА ЁЗИЛГАН АСАРЛАР



Амир Темур тарихда моҳир дипломат ва давлатлар ўртасида яхши муносабатларни ривожлантириш, савдо-иктисодий алоқаларини йўлга қўйиш тарафдори сифатида чуқур из қолдирди. У Европа ва Осиё ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишларни амалга оширди. Соҳибқирон дунёning турли мамлакатлари билан алоқалар ўрнатди: бир тарафдан – Хитой, Ҳиндистон, иккинчи тарафдан – Франция, Англия, шунингдек, Усмонлилар империяси, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар.


Н-40828
39.



Ю- 40828/3

Темур тузуклари.— Тошкент : O'zbekiston, 2012. — 184 б.

Амир Темурнинг давлатчилик ва дипломатия, ҳарбий маҳорат, бунёдкорлик салоҳияти, илму фан, санъат ва меъморчиликка оид қарашлари, хаётнинг маъно-мазмуни, инсонни улуғлайдиган эзгу ишлар ҳақида билдирган фикрлари, дину диёнат ва адолатни жойига қўйиш, салтанат ишларини кенгаш ва тадбир асосида амалга ошириш, ҳар бир масалада узоқни қўзлаб, эл манфаатини ўйлаб иш тутиш билан боғлиқ ибратли фазилатларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Айнан мана шундай масалалар Соҳибқирон тафаккурининг маҳсулни бўлган «Темур тузуклари» асарида ҳар томонлама аниқ, ишонарли ва таъсирчан тарзда ёритилган.




H-9(C52)
T-9

Темурнома : Амир Темур Кўрагон жангномаси.— Тошкент : Чўлпон, 1990.— 352 б.

“Темурнома” - улуғ саркарда ва давлат арбоби Амир Темур Соҳибқирон ибн Турагай Баҳодирнинг ҳаёти ва жангу жадаллари ҳақида.

Бу китоб на фақат тарихий, балки қизиқ-қизиқ воқеалар ва ривоятларга, афсоналар ва ҳикматларга бой бадиий асар сифатида ҳам ғоятда қадрлидир. Китобда боболаримизнинг санъат, маданият ва меъморчиликка оид қарашлари ҳам мужассам этилган.




L -63.3(5)Y

O-52

Олти аср адолати.— Тошкент : Ўзбекистон, 1998.— 141 б.

Ушбу мажмуудан ўрин олган мақолалар таникли давлат ва жамоат арбоблари, йирик олимлар ва адиллар қаламига мансуб. Уларда истиқлол шарофати билан буюк аждодларимизга, хусусан, миллатимиз фахри бўлган Амир Тумурга нисбатан тарихий ҳақиқатни қарор топтириш, унинг хотирасини агадийлаштириш борасида амалга оширилган улуғвор ишлар ва уларнинг жамиятимиз тараққиётидаги бекиёс аҳамияти тўғрисида мароқ билан ҳикоя қилинади.



L-63.3(5)^Y

Й-11

Йаздий, Ш.А. Зафарнома / Шарафуддин Али Йаздий.— Тошкент : Шарқ, 1997.— 384 б.

“Зафарнома” фақат Соҳибқироннинг ҳарбий юришларини мақтаб, кўкларга кўтаришдан иборат, десак хато бўлади. Унда инсон характери ҳам жуда яхши тасвирланган. Хусусан, Темур шахсияти Яздий томонидан зўр маҳорат билан акс эттирилган.




H-9(C52)

Б-57

Березиков, Е. Буюк Темур : роман-бадиа / Евгений Березиков.— Тошкент : Шарқ, 1996.— 336 б.

Евгений Березиковнинг тарихий бадиасида буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темур сиймоси қонхўр, босқинчи бир салтанат соҳиби сифатида эмас, аксинча, зукко ва донишманд давлат арбоби сифатида самимий, гайриталқинларсиз тасвирланган.



Асада тарихий воқеалар, миллий урф-одатлар, удумлар, ҳалқ маросимлари, ҳарбий юришлар катта маҳорат билан тасвирланиши китобхонда катта қизиқиши уйғотади.



Ю-30001/3

Али, Муҳаммад. Улуғ салтанат : трихий роман / Муҳаммад Али.— Тошкент : Шарқ, 2006.— 336 б.

“Улуғ салтанат” эпопеяси – марказида Соҳибқирон Амир Темур ҳамда Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шоҳруҳ Мирзолар турган йигирмадан ортиқ етакчи қаҳрамонларни, юздан зиёд персонажларни, уч юз атрофидаги турли даражадаги эпизодик образларни қамраб олган. Бу кўп сонли образларни Соҳибқирон шахси ва салтанатининг ўттиз беш йиллик босқичидаги муаммолар ва дардлар, қувонч ва андуҳларни ўзида мужассам этган ягона тарих бирлаштириб туради. Уларнинг барчасини кўзга кўринмас яна бир қаҳрамон – адид Муҳаммад Али дунёси ҳаракатга келтиради.



821(4)

А-60

Амир Темур Farb адилари нигоҳида. – Тошкент : DAVR PRESS, 2016. – 224 б.

Мазкур китоб жаҳон адабиётининг дурдоналарини, жумладан, дунё адиларининг Амир Темур ҳақида яратган сара асарларини ўзбук тилига таржима қилиш ғоят долзарб аҳамиятга эгадир. Ктиобда Farb адабиётининг ёрқин намояндалари – Кристофер Марло, Йоҳанн Волфганг Гёте, Эдгар По, Хорхе Луис Борхес, Иван Бунин, шунингдек, Люсьен Керен яратган машҳур асарларнинг ўзбекча таржималари жамланган.

94(575.1)(092)/M-96

Muhammadjonov, A. Amir Temur / Abdulahad Muhammadjonov. – Toshkent : O'zbekiston, 2015. – 160 b.

Ushbu kitobda yirik davlat arbobi va sarkarda sohibqiron Amir Temurning hayot yo'li, faoliyati, jahon davlatchiligi tarixida tutgan o'rni soda va qiziqarli uslubda yoritilgan.

Ю 38202/3

Чориев А. Соҳибқирон маънавияти / Аҳмаджон Чориев. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2011. – 220 б.

Мазкур асар Соҳибқирон Амир Темур фаолиятига баҳишланган бўлиб, унда улуғ аждодимизнинг башарият ривожига қўшган хиссаси, бугунги кунгача маълум бўлмаган қирралари баён этилган. Амир Темур ўз сиёсатида маданият, ободончилик, ҳунармандчилик ҳомийси бўлиб танилди. Ўз сиёсати билан маданий юксалишга ва туркий тилнинг ривожига кенг йўл очиб, нафақат Марказий Осиёning маданий-маънавий оламида, балки бутун мусулмон олами тарихида ўчмас из қолдирди ва сўнгти ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

ПОЁН Равшанов

АМИР
ТЕМУР
СУЛОЛАСИ



821.512.133-311.6

Р-13

Равшанов, П. Амир Темур сулоласи : роман / Поён Равшанов. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2015. – 652 б.

Жаҳоншумул фотихлар, улуғ сулола ва салтанатга асос солған ҳукмдорлар шахсияти, оиласи маданияти, фарзандлари, набиралари, келинлари, қариндош-уруғлари, қудаандалари, хуллас, турмуш тарзи, ҳаёт йўли ҳамиша улкан қизиқишлар боиси бўлиб келади. Соҳибқирон Амир Темур ва унинг Марказий Осиё, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистонда беш асрга яқин ҳукм сурган сулоласи беназир катта хонадонни ташкил этади. Мазкур асар ушбу сулола ҳакида маълумот беради.

МАРСЕЛЬ

Брион

МЕНКИМ,
СОҲИБҚИРОН - ЖАҲОНГИР

ТЕМУР



94(575)(092)

Б-91

Брион, М. Менким, соҳибқирон - жаҳонгир Темур / Марсель Брион. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2016. – 576 б.

Француз темуршунослари ёзган асарлар жавонида профессор Марсель Брионнинг китоблари алоҳида ўрин тутади. Мазкур китоб Соҳибқироннинг дунёга келишидан то вафотига қадар бўлган даврни қамраб олиб, воқеалар Амир Темур номидан ҳикоя қилинади.

Н-9(С52)


Ҳ-87

Хукҳэм, Ҳ. Етти иқлим султони : Ҳужжатли-тариҳий қисса / Хильда Ҳукҳэм. – Тошкент : Адолат, 1999. – 320 б.

Хильда Ҳукҳэмнинг энг асосий асари – “Етти иқлим султони” қиссаси буюк бобакалонимиз Амир Темур Кўрагонийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлилангандир. Асар тариҳий манбалар асосида ҳаққоний, самимий ёзилганлиги учун ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайди.



Хильда Ҳукҳэм
Етти иқлим
султони




H-9(C52)

C-75

Содиков, Ҳ. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати / Ҳамдам Содиков.— Тошкент : ART FLEX, 2010.— 436 б.

Ушбу китоб Соҳибқирон Амир Темур шахсининг янги бир қиррассини очади. Унинг давлат хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим омил - разведка ва контрразведка соҳасида олиб борган ўзига хос ва айни дамда одилона сиёсати, жанговар фаолияти асарда аниқ ва равшан ёритиб берилади.



H-9(C52)

K-49

Клавихо, Р. Г. Амир Темур Европа элчилари нигоҳида / Руи Гонсалес де Клавихо.— Тошкент : Faafur Fулом, 2007.— 208 б.


Мазуқр китоб миллатимиз ва бртимиз довруғини оламга ёйиш борасидаги улкан хизматлари учун Соҳибқирон бобомизга ворисларининг ҳурмати ва эҳтироми белгисидир. Амир Темур билан ўз вақтида юзма-юз мулокотда бўлган европалик икки элчи - Руи Гонсалес де Клавихо ва Султония архиепископи Иоанн хотиралари илк бор ўзбек тилида тўплам ҳолида чоп этилган.

821.512.133-4

I-14

Иброҳимов, Ҳ. Соҳибқиронни англаш : Эссе / Ҳусан Иброҳимов.— Тошкент : Fan va texnologiya, 2014.— 1028 б.

Китоб Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятининг амир Қазаған саройидаги хизматидан то улуғ салтанатни барпо этишга қадар босиб ўтган шонли йўлида юз берган энг муҳим воқеаларни камраб олади. Муаллиф Амир Темур ҳақида яратилган ишончли тарихий манбалар, асарлар, эсдаликлар ҳамда Соҳибқироннинг ижодига мансуб бўлган асарлар матнини ўзаро қиёслаш асносида Амир Темур фаолиятининг 1356 йилдан то 1370 йилнинг ёзига қадар бўлган даврда кечган энг муҳим воқеа-ходисалар, жанг тафсилотларини бир жойга жамлаб, умумлаштирилган ҳолда тўлақонли бир хужжатли асарни яратган.





ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

- Тошкент: Гофур Гулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991

Китоб ҳақида қисқа маълумот:

Ушбу тарихий асарда Буюк сохибқирон Амир Темурнинг ўтмиши, ҳарбий кўшинларни бошқариш, ҳарбий санъат усуллари ҳамда давлатчилик қонун-қоидаларига оид кўплаб масалалар ҳикоя қилинади.



ЖИЗНЬ ТИМУРА СОЧ. Л. ЛЯНГЛЭ

- Ташкентъ: Типографія Бр. Порцевыхъ, 1890

Китоб ҳақида қисқа маълумот:

Француз олими Л.-М. Ланглэ (1763-1824)нинг рус тилидаги "Темур ҳаёти" номли асарида Буюк сохибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.



PETIS DE LA CROIX HISTOIRE DE TIMUR-BEC CONNUS SOUS LE NOM DU GRAND TAMERLAN I-IV Vol.

- Delf: Chez Reinier boitet, MDCCXXIII (1723)

Китоб ҳақида қисқа маълумот: Француз олими Франсуа Пети де ля Кроа (1653-1713)нинг 4 жилдлик "Темур-бек тарихи ..." номли асари Шарафиддин Али Яздийнинг Буюк сохибқирон Амир Темур ҳақида ёзган "Зафарнома"нинг француз тилидаги таржимасидир.

АМИРЪ ТИМУРЪ

Обстоятельства его жизни, походы, остановки, сражения и миры
- Ташкентъ: Типо-литографія С.И.Лахтина, 1890-1891

Китоб ҳақида қисқа маълумот:

Китобда Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя килинади. Китобга эски ўзбек тилидаги “Темур Тузуклари” илова қилинган.

М.И. ИВАНИН

О ВОЕННОМЪ ИСКУССТВЕ И ЗАВОЕВАНИЯХЪ
МОНГОЛО-ТАТАРЪ И СРЕДНЕ-АЗИЯТСКИХЪ НАРОДОВЪ
ПРИ ЧИНГИСЬ-ХАНЕ И ТАМЕРЛАНЕ
- С.-Петербургъ: «Общественная польза», 1875

Китоб ҳақида қисқа маълумот: Китобда Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва давлат бошқарувидаги фаолияти ёритилган.

Муаллиф: Михаил Игнатьевич Иванин (1801-1874) – ҳарбий тарихчи, географ.

ГИЯСАДДИН АЛИ

ДНЕВНИК ПОХОДА ТИМУРА В ИНДИЮ

- Петроград: Типография Императорской Академии наук, 1915

Китоб ҳақида қисқа маълумот:

Асар Буюк соҳибқирон Амир Темур замондоши Ғиёсиддин Али қаламига мансуб. Асарда Буюк соҳибқирон Амир Темур – салтанатни одилона бошқариши ҳамда Ҳиндистонга ҳарбий юриши акс эттирилган. Асарнинг форс тилидаги матни илова қилинган.



PETRO PERONDINO PRATENSE

MAGNI TAMERLANIS SCYTHARUM IMPERATORIS VITA
- Ex typographo Forsteriano, M D. XCVII (1597)

Китоб ҳақида қисқа маълумот:

Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида Европада илк маротаба чоп этилган китоблардан бири. Асар лотин тилида.

Муаллиф: Петро Перендино Пратензе (XVI - XVII асрлар) – Рим империяси олими.




УЛОЖЕНИЕ ТИМУРА (ТАМЕРЛАНА)

- Казань: Типо-литографія Императорского Университета, 1894

Китоб ҳақида қисқа маълумот:

Китоб Франциялик шарқшунос олим Луи-Матье Ланглэ (1763-1824) томонидан “Темур тузуклари”нинг форс тилидан француз тилига амалга оширилган таржимасидан рус тилига ўгирилган таржимасидир.





РЮИ ГОНЗАЛЕСЪ ДЕ КЛАВИХО ДНЕВНИКЪ ПУТЕШЕСТВІЯ КО ДВОРУ ТИМУРА ВЪ САМАРКАНДЪ ВЪ 1403-1406 ГГ.

Подлинный текст съ переводомъ и примечаніями, составленными подъ редакцією И.И. Срезневскаго

- Санктпетербургъ: Типографія Императорской академіи наук, 1881

Китоб ҳақида қисқа маълумот: Асарда Кастилия (Испания) элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг Буюк соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги хотиралари ёритилган. Асарнинг испан тилидан рус тилига қилинган биринчи таржимаси.

АМИР ТЕМУР БУЮК САРКАРДА



Амир Темур байроли

Харбий, тарихчи ва мутахассислар буюк саркарда, ҳар томонлама қучли ва марказлашган давлат асосчиси Сохибқирон Амир Темур жағон ҳарбий санъати ривожига салмоқли ҳисса құшганини ҳақли равишда эътироф этиш мүмкин.


Сохибқирон интизомли құшин тузиш ва уни мөхирона бошқариш, жанг тақдирини ҳал этадиган жойларга ҳарбий кучларни тезкорлик билан йүллаш, мавжуд түсік ғовларни тадбиркорлық билан бартараф этиш ҳамда құшиндаги жанговар рухни юксак даражада тутиб туришга олған.



АМИР ТЕМУР МАКТУБЛАРИ

Хозирги кунда Франциянинг миллтий архивида 4 та хат сақланмоқда:

биринчиси, Амир Темурнинг Франция қироли Шарль IV га форс тилида ёзган хатининг асл нусхаси;
иккинчиси, шу хатнинг архиепископ Иоаннинг ўзи ёки унинг бирон замондоши лотин тилига таржима қилган нусхаси;
учинчиси, Франция қироли Шарль IV нинг Амир Темурга лотин тилида ёзган хатининг нусхаси;
тўртинчиси, Мироншоҳ Мирзонинг Европанинг уч киролига йўллаган хатининг лотин тилига таржима қилинган нусхаси. Унинг
асл нусхасини Иоанн ўзида сақлаган ва кейинчалик Англия киролига қўрсатган.



Эй Рум эли диёрининг подшоҳи, Йилдирим
Боязид!

Аввало, шуни уқиб олки, биз ўз куч-кудрати ва
иктидори ила инсониятнинг катта бир қисмини
ўзимизга тобеъ қилган ҳукмдорлармиз. Бундай
мисли қўрилмаган ишни ўз жидду-жаҳдимиз

билан қўлдик, сен каби иктидорни
(ҳокимиётни) ота-боболаримиздан мерос қилиб
олмадик. Яхшиликча, Кора Юсуф билан Ахмад
Жалойирни юргингдан сургун қилиб, чикариб
юбор. Бизга ва буйруқларимизга бўйсунмаган
ҳукмдорларнинг оқибатлари ҳақида эшиттан
бўлсанг керак. Сенга ҳам уларнинг бошига
келган мусибатлар келишидан эҳтиёт бўл!

Амир Темур узоқни кўра оладиган
моҳир дипломат сифатида тарихда
чукур из қолдирди. Ўша йилларда
Испания мамлакати қироли Энрико III,

Франция қироли Карл VI, Англия
қироли Генрих IV саройларига алокалар
боғлаш учун элчилар йўллади,
мактублар ёзди, мактублар олди.
Ўз навбатида, испан, француз, инглиз,
хитой ва бошқа хорижий мамлакатлар
элчилари унинг саройига тез-тез
ташриф буюриб туришар эди.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов сай-ҳаракати билан Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни ўз жойига қўйила бошлади. Ислом Каримов ташаббуси ва раҳномалигида Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларнинг марказий майдонларида Амир Темурга ҳайкал ўрнатилди. Тошкентдаги Амир


Темур хиёбонида Темурийлар даври музейи барпо этилди (1996), "Амир Темур" ордени таъсис этилди (1996) ва Халқаро Амир Темур жамғармаси ташкил қилинди (1995). Тошкент, Самарқанд ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО раҳбарлигига Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди (1996). Амир Темур ҳақида икки қисмдан иборат бадиий фильм, спектакллар ва шеърий ҳамда настрий асарлар яратилди.

*Биз қим мулқи Тўрон,
Амири Тўрқистонмиз.
Биз қим, миллатларнинг энг
қадими,
Энг улуги – Тўркнинг бош
бўғинимиз.*

КУЧ – АДОЛАТДА!



Темурийлар тарихи давлат музейи



ЎзРФА Темурийлар тарихи давлат музейи Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига тўёна сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 мартағи 99-сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. Каримов ташаббуси билан 1996 йил 18 октябрда катта тантаналар билан очилган. Музей биноси ўзида Темурийлар даври ва замонавий меъморчилик санъати услубларини мужассамлаштирган.



Музейнинг асосий мақсади – Амир Темур ва темурийлар даврида илм – фан, маориф ва маданиятнинг юксак дараҷадаги тараққиётини ҳаққоний акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чуқур инсонпарварлик рухи билан суғорилган тарихий ютуқларимиз ва анъаналаримиз асосида ёш авлодни ватанпарварлик рухида тарбиялаш ва миллий истиқлол ғоясини сингдириш.

Музей «Давлат ноёб илмий объектлари» рўйхатига киритилган бўлиб, унинг хазинасида Ўзбекистон тарихини акс эттирувчи 5 мингдан ортиқ ашёлар сақланади. Булар – Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид қўлёзмалар, ёзишмалар, кумуш ва мис тангалар, Гўр Амир мақбарасидан олинган ашёлар, сопол ва мис буюмлар, меъморий қопламалар, XIX–XX асрларга оид китоблар, тангалар, этнографик буюмлар ўрин олган.

